



TAMADDUN NURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,
маданий-маърифий,
адабий-бадиий журнал
Икки ойда бир марта чиқади

МУАССИС:

Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани ҳокимлиги

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими
Хоразм Маъmun академияси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирожиддин САЙИИД
Муҳаммад АЛИ
Кенгесбой КАРИМОВ
Иқбол МИРЗО
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Қурбон ШОНИЁЗОВ
Аҳмад ОҚНАЗАРОВ
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Дониёр ҲОЖИЕВ
Муротбой ЖУМАНОВ

БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Нағмет АИМБЕТОВ
Файратдин ХЎЖАНИЁЗОВ
Қахрамон ҚУРОНБОЕВ
Кувончбой ЎРОЗИМБЕТОВ
Шорустам ШОМУСАРОВ
Каримбой ҚУРОМБОЕВ
Зарифбой ДЎСИМОВ
Олмос УЛВИЙ
Ваҳоб РАҲМОНОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Алима БЕРДИМУРОДОВА
Марат НИЁЗИМБЕТОВ
Неъмат ПОЛВОНОВ
Яхшибека АБДУЛЛАЕВА
Баҳодир ЭШОВ
Машариб АБДУЛЛАЕВ
Ўктам МАВЛОНОВ
Муҳаммадшариф ХЎЖАНИЁЗОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Норбек ТАЙЛАКОВ
Сафо МАТЖОНОВ
Усербой АЛЕУВ
Мэлс ҚОБУЛОВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи-бозовчи:

Ғиёсиддин ҲАРАОВ

Техник муҳаррир:

Улуғбек САИДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журнали
таҳририятининг компютерида
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 07.00.00 "Тарих",
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00
"Филология" ихтисослиги бўйича
руйхатига киритилган.

МУНДАРИЖА

ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИ

Элмурод ТУРСУНОВ. Нодавлат нотижорат ташилотларига оид қонун ҳужжатлари...	2
Рустам КУРБАНБАЕВ. Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳўқуқбузарликлари...	4
Баҳром КТАЙБЕКОВ. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар...	6
Исатай АЛДАБЕРГЕНОВ. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини...	8

ХАЛҚ РИЗҚИНИ ЕРДАН УНДИРИБ...

Анвар ЮЛДАШЕВ. Республикада биринчи...	10
--	----

ТАРИХ. БЕРУНИЙ МЕРОСИДАН

Абу Райҳон БЕРУНИЙ. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асаридан парчалар...	12
--	----

ТАРИХ БИЛАН УЧРАШУВ

Яҳё ҒУЛОМОВ. Хоразмнинг сўғорилиш тарихи...	16
---	----

ТАРИХ

Қурбонбой СОБИРОВ. Ровияжон ОТАМУРАТОВА. Музаффар МАРИМОВ. Ўрта осиеда табиий-иқтисодий маконлар...	20
Сапарбой НАВРУЗОВ. Нафосат БОТИРОВА. Зарнигор ҲАСАНБОЕВА. Қадам етмас ўлка эди...	24
Гулараи МАШАРИПОВА. Абу Райҳон Беруний асарларида ижтимоий-сиёсий...	28
Ёсин ОРТИҚОВ. Ўзбекистонда яшовчи дунганлар тарихи...	31
Улуғбек МАНСУРОВ. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий муаммолар...	35
Азизбек МУМИНОВ. Туризм истиқболлари...	39
Садоқат МАТКАРИМОВА. Балиқдан тайёрланадиган таомлар...	43
Соёилжон ТИЛЛАБОВ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида...	46
Муборак МАТЯКУБОВА. Ровияжон ОТАМУРАТОВА. Феруз саройида адабий – бадиий муҳит...	62
Машариб АБДУЛЛАЕВ. Хоразм меъморчилиги безакларида амалий санъатнинг ўрни...	69
Умида ЭМИНОВА. Аграр соҳа ривожига фермерликнинг ўрни: ислохот ва истиқбол...	85
Заҳриддинбобир ҲАЙДАРОВ. Совет даври ва мустақиллик йилларида миллий ва диний қадриятлар...	88
Ҳамдам МАТЯКУБОВ, Жаҳонгир ҚОДИРОВ. Қадимги хоразмнинг илк темир даври жамияти...	94

ФИЛОЛОГИЯ

Саъдулла МАТЯКУПОВ. Шеърятда мулоқот шакллариининг ифодаланиши...	49
Мансурбек БАБАДЖАНОВ. Ўзбекча – қорақалпоқча таржималарда ибораларнинг ўзга объектли...	52
Мадамин ЭШМУРАДОВ. XX асрнинг биринчи ярмида битилган Хоразм тарихи...	54
Иқболлой ЁВМУДБОЕВА. Тил сиёсати жараёнининг ижтимоий-сиёсий нотикликка таъсири...	56

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК

Жамила АСҚАРОВА. Эртақ ижроси ва маросимлари...	59
---	----

БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Тамара ХЎЖАНОВА. Ёш авлодни замонавий илм-фан ютуқлари асосида тарбиялаш...	66
---	----

ЖАМИЯТШУНОСЛИК

Мурод АЛЛАНАЗАРОВ. Ривожланган давлатларда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти...	72
Нуралӣ СИДИКОВ. Янги жамият қуриш жараёнида ёшларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш...	78

ФАЛСАФА

Дилфуза АТАЕВА. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин – қизларга муносабат...	75
--	----

МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Нодира ҲАМРОЕВА. Ёшлар тарбиясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалланиннг ўрни...	82
---	----

ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Санобархон САИДОВА. Василий Александрович Сухомлинскийнинг педагогик системаси...	92
---	----

НАСР

Ойдана БЕКЖАНОВА. Араз...	98
---------------------------	----

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Зиротнома...	99
--------------	----

Манзилимиз: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани "Халқлар дуст-
лиги" кўчаси, 11-уй. e-mail: qurbonboeva@inbox.ru **Тел.:** (+99893) 718-30-23
Босишга 06.29.2019 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 ¼. Нашриёт ҳисоб табоғи 6.5. Индекс – 960
Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн
ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.
Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Бунюртма № 6.
Адади 2100 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.
ISSN 2181-8258

ЎРТА ОСИЁДА ТАБИИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАКОНЛАР (ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШИШИ, АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТИ)



**Курбонбой
СОБИРОВ,**
Урганч давлат
университети
доценти



**Ровияжон
ОТАМУРАТОВА,**
Урганч давлат
университети
ўқитувчиси



**Музаффар
МАРИМОВ,**
Урганч давлат
университети
талабаси

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиё минтақасининг қадимги тош даврида полеологик ва полеогеографик ҳолати, унинг антропоген ландшафт таъсирида ҳосил бўлган табиий-иқтисодий, ҳудудлар ва уларнинг одамлар томонидан ўзлаштирилиши натижасида этник маконларга айланиши қараб чиқилган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, тарихий-маданий ҳудудлар, антропоген ландшафт, У.Исломов, М.Қосимов, Э.Бижанов, илк, ўрта, сўнги, тош, мезолит, Селунгур, Кўлбулак.

Аннотация: В статье предусмотрено полеологическое и палеогеографическое состояние Средней Азии в древнекаменном периоде, и образование природно-экономических территорий под воздействием антропогенного ландшафта и их превращение в этническое обиталище в результате освоения этих очагов человечеством.

Ключевые слова: Средняя Азия, историко-культурные территории, антропогенический ландшафт, У.Исламов, М.Касимов, Е.Бижанов, ранний, средний, поздний, камень, мезолит, Селенгур, Кулбулак.

Annotation: The article describes the paleogeological and paleogeographic state of the Central Asian region during the ancient stone period, its natural economic zones which is the influence of anthropogenic landscape and its transformation into an ethnic habitat as a result of the humanization of the anthropogenic landscape.

Key words: Central Asia, historical cultural zones, anthropogenic landscape, first middle, end, stone, mesolith, Selengur, Kulbulak.

Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятларида олиб борилган археологик изланишлар натижалари асосида аниқланган аҳолининг жойлашиши, антропоген ландшафтининг вужудга келиши ва ривожланиш жараёнларини қуйидаги тарихий даврларга ажратган ҳолда ёритиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи тарихий давр (1930-1940йиллар). Тарихий маълумотларга кўра, Зарафшон водийси антик дунёга мансуб бўлган Варахша атрофларида мезолит даврига оид маконда қазилган ишлари олиб борилган [1, 19]. Сурхон воҳасида М.Е.Массон раҳбарлигидаги Термиз археология экспедицияси Айритом яқинида мезолит даврига мансуб аҳоли масканида қазилган ишларини олиб бориб, мезолит даврига оид ашёларни олишга эришган [2]. Мазкур тарихий даврда С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археология экспедицияси ходимлари Амударёнинг Оқчадарё ирмоғи атрофларида неолит даври уруғ жамоалари жойлашганлиги кўп сонли маданий массивларни ҳосил қилган эди [3]. Ўзбекистон ибтидоий маданияти ўрта тош даврига оид ибтидоий одамларнинг турар жойларида қазилган ишлари Сурхон воҳасининг шимолида жойлашган Бойсун тоғидаги Тешиктош ғор маконларида олиб борилган. Макон маданий қатламидан 3000 дан зиёд тошдан ясалган меҳнат қуроллари ва антропологик ашё

олинган [4]. Биринчи тарихий даврнинг асосий олиб борилган археологик изланишлари Ғарбий Зарафшон, Хоразм ва Сурхондарё ҳудудларида олиб борилиб, унинг натижаларига кўра ўрта тош ва мезолит даврида юз берган тарихий жараёнларни намоён қилган этник ва этногенез масканларни ёритиш имконини берди.

Иккинчи тарихий давр (1945-1990йй). Хоразм воҳаси, Сариқамишбўйи, Узбой, Қизилқум марказий қисмида, Қуйи Сирдарё ҳавзасида археологик ва этнографик изланишлар олиб борилган. М.Е.Массон раҳбарлигида жанубий Туркменистон комплекс экспедицияси (1945 й) асосий тадқиқот ишларини Туркменистон жануби-шарқий ва жануби-ғарбий ҳудудларида олиб борган. Тожикистон фанлар академияси археология экспедицияси ходимлари Кобадияндаги Ҳисор водийларида қазишма ишлари ташкил этилган. Қирғизистон республикаси археологик экспедицияси, Жанубий Қозоғистон республикаси ҳудудида археологик изланишлар ўтказилган. А.П.Окаладников Бойсун тоғида Тешиктош, У.Исломов мезолит даврига оид Мачой ғор-маконларида қазишмаларни олиб борганлар.

Археологик изланишлар натижасида маълум бўлдики, одамзот томонидан ўрта тош ва мезолит давларида этногеографик ва этно топономик атамаларнинг ташкил этилганлигидир [5]. Д.Н.Лев, М.Журақулов, Н.Тошкенбоевларнинг Самарқанд шаҳри ва унга туталиб кетган ҳудудларда тош асридан бронза охиригача уруғ, қабилалар турар жойларида қазиш ишлари олиб бориши натижасида вужудга келган этнографик ва этнотопонимик атамалар тўғрисида маълумот берадилар [6]. Тарихий маълумотларга кўра, Селенгур ғор-маконининг жойлашиши, ҳажми ва маданий қатламдан тош қуроллар олинган. Шу билан бирга Қувасой икки соҳилга уланган ҳудуддаги маконлар Қалача 1, 2, 3, 4, 5; Ҳарамқул, Қапчиғой-1, Сариқўрғон каби маконлар ва улардан олинган меҳнат қуроллари тўғрисида маълумот беради [7, 28-35]. У.Исломов Селенгур ғор-маконидида қазиш ишларини олиб бориб, унинг моддий қатлампидан қўл чопқиси, тўмтоқ тош болға ва 5 мингдан зиёд суяк қолдиқлари топилган. Одам бош суяги энгак қисмининг бир бўлаги, 10 та тиш, елка суягининг бир бўлаги олинган [8, 38-39]. Шу билан бирга, У.Исломов мезолит даврига оид Обишир 1,5 ғор маконларини ўрганиш ишларини олиб борди. Ю.А.Заднепровский эса Фарғона водийсининг неолит ва бронза даврига оид аҳоли масканларида қазиш ишларини олиб борди [9].

Сурхон воҳасида неолит, энеолит даври аҳоли манзилгоҳлари жиҳатидан ўрганилмаган. Лекин, бронза даврига оид аҳоли манзилгоҳлари археологик жиҳатдан яхши ўрганилган. Бу ҳудудда А.Аллақуловнинг Сополлитепа, Жарқўтон ёдгорликлари олиб борилган археологик тадқиқотлар

натижалари муҳим аҳамият касб этади [10]. Мазкур тарихий даврда Я.Ф.Фуломов Қуйи Зарафшонда, С.П.Толстов Хоразмда неолит ва бронза давларида оид аҳоли масканларида олиб борган археологик изланишлар натижалари аҳамиятга молик [11]. А.В.Виноградов Хоразмнинг неолит, М.А.Итина бронза даври аҳоли манзилгоҳларида махсус археологик изланишлар олиб бориб унинг натижаларини илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилдилар [12]. Тошкент вилояти Туябўғиз атрофларида неолит ва сўнгги бронза даврига мансуб аҳоли манзиллари археологик жиҳатдан ўрганилган [13, 17]. Устюрт ва **Султон Увайс тоғи этакларида сўнгги тош, неолит даврига оид сайёҳ овчилар манзиллари археологик жиҳатдан ўрганилган** [14, 74-77].

Ўзбекистонга қўшни Туркменистон ҳудудида тош асри, неолит, энеолит ва бронза даври аҳоли манзилларида, Қозоғистоннинг неолит бронза даври аҳоли манзилларида, Тожикистоннинг тош асри, неолит, энеолит ва бронза даври маконлари археологик жиҳатидан ўрганилган [15, 17-18]. Тарихий маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё минтақаларининг ибтидоий маданияти тарихини иккинчи тарихий даврда кенг тарзда ўрганиш ишлари олиб борилган. XX асрнинг 90 йил бошларидан бошлаб, Ўрта Осиёда вужудга келган мустақил давлатларининг илмий муассасаларининг илмий марказлари археологик экспедициялари олиб борган археологик изланишлар натижалари илмий алоқалар узилганлиги сабабли ибтидоий маконлар ва уларнинг инсоният томонидан ўзлаштириш жараёнини фақат интернет орқали олиш мумкин ҳолос. Ўрта Осиё минтақаларида олиб борилган археологик изланишлар асосида чоп қилинган нашрлар мазмунини қамраб олган маълумотларга таянган ҳолда табиий-иқтисодий маконлар ва уларга антропоген ландшафт таъсирини ёритиш мумкин:

Геологик ва географик тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўрта Осиё геологик ҳолати ва географик хусусиятлари жиҳатидан Қадимги Шарқ тарихий-географик минтақаларидан кескин ажралиб турадиган тарихий-географик минтақадир. Унинг Евроосиё марказида жойлашиши тарихий давр ва унинг турли босқичларида ҳужалик соҳаларини олиб борган инсоният тақдирини белгилаб берган.

Ноижобий томонлари: шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий томондан совуқ шамолларнинг шиддат билан кириб келиши, ғарбий томондан Қорақум уюмларининг деҳқончилик воҳаларига бемалол кириб келиши, иккинчидан, океанларга чиқиш имконияти йўқлиги;

Ижобий томонлари: инсониятнинг келиб жойлашиши учун қулайлиги; жанубий ва шимолий минтақалар аҳолиси ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни олиб боришда марказ бўлиши, қўшни ҳудудларга аҳолининг кўчиб кетиш ҳудуди сифати-

да мавжудлиги. Антропоген ландшафт таъсирида тоғлардан оқиб тушган жилғаларнинг тоғлар этакларида ҳосил қилган кўпсонли сойлар атрофлари табиий-иқтисодий маконларга айланган. Тарихий маълумотларга кўра, илк ашел даврида Фарғона водийси, Тошкент вилояти Қизилолмасой ҳудудидаги Кўлбулоқ чашмаси, Қозоғистоннинг жанубий ҳудудлари ва Қирғизистоннинг Унарча дарёси соҳили этаклари соҳилига тутшиб кетган ҳудудлар табиий-иқтисодий маконларга айланган [16]. Урта тош даврига келганда эса, Марказий Зарафшон ҳудуди, Сурхон воҳасининг Бойсун тоғи, Тошкент водийсининг шимоли-шарқидagi ҳудудлар антропоген ландшафти таъсирида табиий-иқтисодий маконлар ҳосил бўлган. Жанубий Тожикистон, Қирғизистон ва жанубий Қозоғистон тоғли ҳудудларида табиий-иқтисодий маконлар фаолияти давом этганлиги кузатилади. Шунингдек, Туркменистон Республикаси Каспийбўйи текислигида Коратангир макони, Устюрт шимоли-шарқий ҳудудларида антропоген ландшафт таъсирида янги табиий-иқтисодий маконлар вужудга келган [17]. **Сўнгги тош даврига келганда Хоразм воҳаси Султон Увайс тоғи этаклари антропоген ландшафт таъсирида табиий-иқтисодий маконга айланган** [18]. Мезолит даврида Буюк музлик чекинганидан кейин кенг пасттектисликлар вужудга келиб, улар табиий-иқтисодий маконларга айланган. Урта Осиёда қадимшунос олимлар томонидан аҳоли турар жойларида кенг қамровли тарзда олиб борилган археологик изланишлар натижаларига кўра, маконларнинг жойлашиш хусусиятларини назарга олиб уларни икки қутбга ажратиш имконияти ҳосил бўлди. Биринчи қутб: текислик. Иккинчи ҳудуд: тоғ ва тоғ олди ҳудудлар: Туркменистоннинг жануби-шарқий (Копетдоғ олди этаклари, Мурғоб дарёси ҳавзаси).

Неолит, энеолит даврида табиий-иқтисодий маконлар текислик ва тоғ олди ҳудудларида давом этган. Асосан тоғ олди этаклари ва дарё ирмоқлари сув сатҳи кўтарилиши натижасида ҳосил бўлган сув ҳавзалари этакларида иқтисодий маконлар фаолиятлари давом этган. Бронза даврига келганда ўтроқ аҳолидан кўп сонли чорвага эга бўлган аҳоли гуруҳи вакиллари қўшни ҳудудларга кўчиши муносабати билан этногеографик атамалар географияси кенгайган. Шу тариқа, мазкур жараён ўтроқ зироаткор аҳоли ва тоғолди, даштликларда ўрнашган қабилалар ўртасидаги муносабатлар даражаси кейинги тарихий даврларда кечган жараёнларда намоён бўлган. Дархақиқат, моддий ва маънавий маданияти босқичма-босқич ривожланиб бориши жараёнида минтақаларда кечган тарихий жараён ва улар ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар етакчи ўринни эгаллаган. Минтақада этногеографик ва этнотопонимика атамаларининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши мураккаб тарихий жараён билан боғлиқ. Хўжа-

лик турларининг пайдо бўлиши, унинг тараққиёти, тарқалиши географияси, аҳолининг тарих тақозосига кўра миграцияси, этник ва этногенез жараёнлар, урбанизация ва шаҳарсозлик маданияти, давлатчилик асосларини ҳосил қилиш географик ўрин хусусиятлари билан боғлиқ. Географик хусусиятлар Урта Осиё маданий-хўжалик ҳудудларининг бир-бирдан фарқлинишини намоён қилган. Фарғона водийси ўзига хос географик хусусиятларидан бири, осмонўпар тоғлар билан тўрт томони ўраб олинганлигидир. Зарафшон, Тошкент, Сурхон воҳалари палеогеографиясини кўкка бўй чўзган тоғлар ва унинг этагига уланиб кетган текисликлар намоён қилган. Хоразм воҳаси текислигини осмонўпар тоғлар намоён қилмайди, аксинча унинг географик ҳолатини Қизилқум ва Қорақум, улар оралиғидаги текислик тасвирлайди. Археологик изланишлар натижаларига кўра, О.П.Окладников Сурхондарёдаги Бойсун тоғида Тешиктош ғор-макони мустъе даврида одамзот томонидан ўзлаштирилганлиги боис, этногеографик маконга айланганлигидан далолат беради. Мазкур жараён илк ўрта, сўнгги ва мезолит даврларида давом этган. Бизнинг назаримизда, Урта Осиё ҳудудида этногеографик ва этнотопонимика атамаларининг вужудга келиши ва унинг давом этишини тарихий даврлар билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

I. Илк тош даври 1 млн – 100 минг йиллар: Ўзбекистон ҳудудининг Фарғона, Тошкент вилоятлари. Жанубий Қозоғистон, Қирғизистоннинг тоғли ҳудудлари, Туркменистоннинг Каспийбўйи текислиги.

II. Урта тош даври: Сурхон воҳаси Бойсун тоғи, Марказий Зарафшон, Қизилқум. Фарғона водийси, Тошкент водийси.

III. Сўнгги тош даври: Фарғона ва Тошкент водийлари, Устюрт, Хоразм воҳаси. Тожикистон Ҳисор водийси, Марказий Зарафшон ҳудуди.

IV. Мезолит даври: Фарғона ва Тошкент водийлари, Устюрт платоси, Хоразм воҳаси. Сурхон воҳаси, Тожикистоннинг Ҳисор водийси, Туркменистоннинг шимоли-ғарбий қисми.

V. Неолит даври: этногеографик ва этнотопонимика атамаларига эга бўлган минтақалар.

Марказий Фарғона ва Тошкент водийлари (Туябўғиз атрофлари), Зарафшон водийси (Қизилқум), Хоразм воҳаси, Узбой, Тожикистоннинг Ҳисор водийси, Туркменистоннинг Копетдоғ тоғ олди этаклари ва Мурғоб дарёси ҳавзаси атрофлари.

VI. Энеолит даври: Зарафшон водийси юқори қисми ва Қизилқум, Хоразм воҳаси, Марказий Фарғона водийси, Тожикистоннинг Ҳисор водийси, Туркменистоннинг Тажан дарёси ҳавзаси ва Копетдоғ этаклари.

VII. Бронза даври: Сурхон воҳаси (Шеробод, Шўрчи, Денау ҳудудлари), Тошкент водийси (Туябўғиз атрофлари), Марказий Зарафшон водийси,

Хоразм воҳаси. Марказий Фарғона, Қирғизистон тоғли ҳудуди ва жанубий Қозоғистон чўл зонаси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шишкин В.А. Варахша. М. Наука, 1963.
2. Массон М.Е. Старый Термез и его изучение. Т 1940.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. М. Наука. 1948.
4. Окладников А.П. Мустьерская стоянка в броте Тешикташ в Узбекистане. Вып.2, 1939. Исламов УИ, Крахмал К.А. Полеозкопология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Т Фан, 1995. Гремяцкий М.Д. Череп ребёнка неандертальца из грота Тешикташ. М. Наука, 1981. с. 174-175.
5. Окладников А.П. Исследование Мустьерской стоянки и побережья.
6. Лев Д.Н. Древний палеолит в Аман-кутане (Исследования 1953-1954 гг). Труды УзГУ вып-61 Самарканд, 1956, ўша муаллифлар. Палеолит Самаркандской области и его специфические особенности // Труды Самгу, вып 166, Самарканд, 1967 Жўракулов М.Ж. Зирабулоқ палеолит маконини ўрганиш истиқболлари / Археология, Қадимги тарих ва этнография масалалари. Илмий тўплам. Самарканд 1982. Холметов Н.М. Қоратела тоғ массиви, дала археологик қидирув тадқиқотларидан / Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. Т №3, 2002, 2003.
7. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964. / ИМКУ, Вып-7, Тошкент 1966.
8. Исламов УМ. Фарғонанинг ибтидоий тарихи // Анорбоев А, Исламов У, Матбабаев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Тошкент, Фан, 2001.
9. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. М. №118. М-Л, 1962.
10. Аскарлов А. Сапаллитера Т-Фан. 1973, ўша муаллифлар. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистан. Т-Фан, 1977.
11. Фуломов Я.Ф., Исламов У, Аскарлов А. Перво-бытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зерафшана. Т 1966. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта М.Наука, 1962.
12. Виноградов А.В. Неолитические памятники хорезма / МХЭ, вып. 3. 1962, ўша муаллифлар. Древние охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья М. Наука. 1981. Итина М.А., История степных племен южного приаралья / II пол. I тыся до. н. э. / ТХАЭЭ Т-Х.М. Наука, 1977, ўша муаллифлар. Древности южного Хорезма. М. Наука, 1991.
13. Дуке Х. Туябугузское поселения Бургулюкской культуры, Т Фан, 1982 Собиров Қ, Давлетов С. Ўрта Осиё археологияси Урганч, 2006.
14. Виноградова Е.А, Бижанов Е.Б. Первые палеолитические походы с юго-восточного Устюрта / АО 1977. М. Наука, 1978. Бижанов Е.Б. Мезолитические и неолитические памятники северозападного Устюрта / Археология Приаралья. Т Фан, 1982. Виноградова Е.А. Первые палеолитические находки в Султануиздаге / приаралье в древности и средневековье / М, ИВЛРАН. Наука, 1998.
15. Собиров Қ, Давлетов С. Ўрта Осиё археологияси / Урганч, 2006.
16. Исламов У Фарғонанинг ибтидоий тарихи / Т, "Фан", 2001.
17. Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. Автореф. на соискание уч. степени д.и.н. Нукус, 1996.
18. Виноградова. Е.А Первые палеолитические находки в Султануиздага \ Приаралье в древности и средневековье. М, ИВЛ РАН, 1998.

